

Тожидинов Б.С.

Андижон давлат университети

география кафедраси ўқитувчиси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТОҒ ОЛДИ ВА АДИБ ХУДУДЛАРИНИ ЛАНДШАФТ

АСОСИДА ТУРЛАРГА АЖРАТИШ ВА РАЙОНЛАШТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада Андижон вилоятининг тоғ олди ва адир ҳудудларида жойлашган маъмурий туманлари ландшафт асосида районлаштирилган ва ГИС асосида ландшафт харитаси ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ландшафт, районлаштириш, тоғ олди ва адир ҳудудлари, геоморфологик (орографик), иқлимий, тупроқ ва гидрологик кўрсаткичлар, конуссимон ёйилмалари ва конис оралиға ботиқлари, дарё поймалари.

Tozhidinov B.S. Department of

Geography, Andijan State University

DIVISION AND ZONING OF MOUNTAIN AND HILL AREAS OF ANDIJAN REGION INTO TYPES BASED ON LANDSCAPE

Abstract: in this article, the administrative districts located in the foothills and hills of Andijan region are regionalized on the basis of landscape and a landscape map is developed on the basis of GIS.

Keywords: landscape, zoning, foothills and foothills, geomorphological (orographic), climatic, soil and hydrological indicators, conical expanses and depressions between mines, river courses.

Кириш. Ер ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи табиий-ландшафт омилларининг назарий таҳлилидан ҳамда ўзига хос берк ҳавза сифатидаги Фарғона водийсининг минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб, геоморфологик (орографик), иқлимий, тупроқ ва гидрологик кўрсаткичлар устувор омил сифатида танлаб олинди ва ўрганилди.

Ердан фойдаланишга таъсир этувчи ҳудуднинг орографик кўрсаткичларидан тоғли минтақалар учун жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги, рельефнинг нишаблиги, парчаланганлиги каби кўрсаткичларга эътибор қаратилди.

Асосий қисим. Фарғона водийси рельефи учун хос бўлган хусусият унинг зоналлиги бўлиб, турли номлар билан аталсада, унинг асосида жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги ётади. Ҳудуд зоналлиги (А.Абулқосимов, 2004, Ю.Султонов, 1994), поғонасимонлиги (Р.Қўзиев, 2004, О.Абдуғаниев, 2008), баландлик минтақалари (К.Боймирзаев, 2004, Ю.Аҳмадалиев, 2007), микрозоналарга (О.Қўзибоева, 2006, Абдувалиев, 2021) бўлиниш каби кўрсаткичлар асосини жойнинг денгиз сатҳидан

баландлик ташкил этади. Юқоридаги маълумотларна асосланган ҳолда ГИС технологиясидан фойдаланиб, Андижон вилоятининг ҳудуди уч қисимга 450 метиргача текисликлар 31.1%, 450-1200 метиргача тоғ олди ва адир ҳудуди 68.7%, 1200 метирдан баланд қисми тоғлар 4%га ажратилди. **(1-расим)**

Вилоятдаги 11 та маъмурий туман ва Андижон шаҳри 450-1200 м. баландлик оралиғидаги ҳудудларга тўғри келади (1-жадвал). Бу вилоят майдонининг 68.7 фоизини ташкил қилади.

Фарғона водийсининг энг сўнгги замонавий ландшафтларини акс эттирувчи картаси А.Д.Никонорова (2015) томонидан ГИС ёрдамида 1:750000 масштабда ишланган бўлиб, унда Фарғона водийси (тўлиқ ҳудуди) ҳудуди 6 та ландшафт синфи ва 11 та ландшафт синфчасига ажратилган. Барча синфлар бир ёки икки синфчага бўлинган. “Ўздеверлойиха” институти Андижон комплекс-лойихалаш филиали томонидан тузилган Андижон вилояти тупроқ-географик раёнлар схематик картаси билан А.Д.Никонорованинг ландшафт картаси қиёсланса ҳамда улар ҳозирги маъмурий туманлар ҳудуди билан умумлаштирилса тупроқлар, ландшафт турлари юқоридан қуйига қараб фарқланиш кузатилади (1-жадвал).

1-жадвал

Андижон вилояти ландшафт минтақаларида қишлоқ туманларининг жойлашуви

№	Ландшафт минтақалари (А.Никонорова бўйича)	“Ўздеверлойиха” институти Андижон комплекс-лойихалаш филиали томонидан тузилган Андижон вилояти тупроқ-географик раёнлар схематик картаси бўйича	Қишлоқ туманлари ва шаҳарлар
1.	Паст тоғлар	Тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар	Хўжаобод, Булоқбоши, Қўрғонтепа, Марҳамат
2.	Андижон-Қува адирлар тизмаси	Типик бўз тупроқлар	Андижон, Хўжаобод, Булоқбоши, Жалолқудук, Асака, Марҳамат
3.	Тоғ олди текисликлари	Типик бўз тупроқлар	Қўрғонтепа,
4.	Ойим-Хўжаобод-Марҳамат адир оралиғи ботиқлари	Ўтлоқи бўз тупроқлар	Хўжаобод, Булоқбоши, Қўрғонтепа, Жалолқудук, Марҳамат,
5.	Конус ёйилмалари	Типик бўз, Оч тусли бўз ва кўн ус этакларида ўтлоқи саз тупроқлар ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар	Избоскан, Пахтаобод, Шаҳрихон, Асака, Андижон тумани, Қўрғонтепа, Жалақудук, Хўжаобод, Булоқбоши
6.	Дарё поймалари	Ўтлоқи ва шўр ботқоқ аллювиал тупроқлар, типик шўрхоқлар, ўтлоқи саз	Избоскан, Пахтаобод, Андижон тумани, Олтинқўл, Асака, Жалақудук,

		тупроқлар, қумли ва қумоқ тупроқлар	Қўрғонтепа
--	--	--	------------

Жадвал А.Никонорова ва “Ўздеверлойиха” институти Андижон комплекс-лойихалаш филиали томонидан тузилган Андижон вилояти тупроқ-географик раёнлар схематик картаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ArcGIS дастурида ишлаб чиқилган.

Қорадарё, Майлисой ва Аравонсой **дарё поймаларида** асосан Боз ўтлоқи, ўтлоқи саз ва ботқоқ ўтлоқи аллювиал тупроқлар тарқалгани билан характерланади.

Конуссимон ёйилмалари ва конис оралиғи ботиқлари Аравонсой, Шахрихонсой, Оқбура, Андижонсой, Мойлисой каби дарё ва сойларнинг киритилади. А.Мақсудовнинг (1990) маълумотларига кўра бу ҳудудда воҳа ландшафтлари шаклланиб, тупроқнинг энг унумдор қопламлари вужудга келади. Агроирригацион қатламнинг қалинлиги мазкур ҳудудларда аҳоли яшаши ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда энг юқори баллини ташкил этади. Ҳудуд рельефи қишлоқ хўжалиги юритиш учун қулай бўлиб, ер ости ва ер усти оқар сувларининг ҳаракати яхши дренаж ҳолатини таъминлайди.

Вилоятнинг **адир ландшафтлари минтақаси** П.Баратовнинг (1996) таърифи бўйича мутлоқ баландлиги 400-500 м дан 1200 м гача, айрим жойларда эса 1500 м гача бўлган, ўзига хос гипсометрик ҳудудлар бўлиб, ҳосил бўлиши жиҳатдан ёш рельеф шакллари ҳисобланади. Ҳудудий жойланиши жиҳатдан Фарғона водийсининг адирлари водийни ўраб олган тоғлардан кейин иккинчи халқани ҳосил қилади. Ҳудуд рельефининг марказий Фарғонага нисбатан баландлашуви туфайли ёғин миқдори ортади, ёзги ҳарорат чўлга нисбатан пастроқ бўлиб, типик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Булар эса ўсимликларни зич ва баланд ўсишига сабаб бўлади [12].


Адирлар ва паст тоғлар оралиғида фақатгина водий учунгина хос бўлган **адир орти ва адир оралиғи ботиқлари** ландшафти жойлашган. Вилоятда бу ҳудудларга Ойим-Хўжаобод-Марҳамат ботиғини киритиш мумкин. Рельефнинг қулайлиги адир олди текисликларига ўхшаб кетади. Бироқ, ер ости сувларининг кетмаслиги, дренаж ҳолатининг ёмонлиги бу ҳудудлар учун муаммоларни келтириб чиқаради..

Паст тоғлар минтақаси бевосита тоғ олди текисликлари ва адир оралиғи ботиқларига уланиб кетади. Бу зона Фарғона водийсининг Туркистон, Олой, Фарғона тизмаларининг этақларини ташкил этиб, унча катта бўлмаган кенгликларда жойлашган. Айниқса, водийнинг жанубий қисмидаги тоғ олди зонаси 30-40 км ни ташкил этади. Шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларда эса 30-50 км гача масофаларни эгаллайди. Ҳудуд рельефида кучли парчаланганлик, ёнбағир емирилиш жараёнларининг фаоллиги,

уларнинг этакларида эса емирилган йирик ва дағал жинсларнинг тартибсиз жойлашганлиги кузатилади.

Адирларни хўжалик нуқтаи-назаридан баҳолаб, К.Боймирзаев уларни 2 турга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Биринчи тур паст адирлар (500-800 м), иккинчи тур юқори адирлар (900-1200 м гача) минтқасига ажратади [8; 8-б.] Паст адирлар релъефи текис қирлардан иборат бўлиб хўжаликда фойдаланиш учун қулайдир. Бу минтақадаги релъефнинг парчаланганлиги ва қиялиги хўжаликнинг жойланишига салбий тасир этувчи омилдир.

Табиий-ландшафт кўрсаткичларини, иқтисодий - географик нуқтаи -назардан ҳисоблашлар имконияти мавжудлигини эътиборга олган ҳолида Андижон вилояти Тоғ олди ва адир ҳудудлари 6 та ландшафт минтақаларига ажратилди. (1-расм)



Карта А.Никонорова ва
“Ўздевройиҳа”
институтини Андижон
комплекс-лойиҳалаш
филиали томонидан
тузилган Андижон
вилояти тупроқ-географик
районлар схематик картаси
маълумотлари асосида
муаллиф
томонидан ArcGIS

дастурида ишлаб чиқилган.

Албатта иқтисодий географиянинг кўплаб амалий ишларида фойдаланиладиган маъмурий бирликларни ландшафт бирликлари билан умумлаштириш бир қатор муаммоларни юзага келтирсада, ундан амалий жиҳатдан фойдаланиш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида катта амалий ечимларга олиб келади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдувалиев Ҳ.А.. Аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини ландшафт омили асосида такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида) // География фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2020. -128 б.
2. Абдулкасимов А.А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. – Т.: Фан, 1983. -125 с
3. Абдуллаев О. Наманган вилояти табиати, аҳолиси, хўжалиги. -Наманган: Наманган,1995.-148

4. Абдуллаев С.А., Номозов Х.Қ. Тупроқ мелиорацияси ва гидрологияси. – Т.: “Фан ва технология”, 2018, -376 б.
5. Абдурахманов С.Т. Қурғоқчил ҳудудлар деҳқончилигида сувни тежаш имкониятларини баҳолаш. // География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация автореферати. Т.:2018. -120 б.
6. Абрамова Л.А., Юшков М.В., Кузьмина М.М. Эколого-хозяйственный баланс территории и ее естественная защищенность. Вестник ТГУ, т.16, вып.2, 2011. –С 575-576.
7. Азимбоев С.А. Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари // Дарслик. Тошкент “Иқтисод-молия”, 2006. – 155 б.
8. Алибеков Л.Н. Новые подходы к сопряженному изучению горных и равнинных ландшафтов (на примере Средней Азии).// География и природные ресурсы. - Новосибирск, 1992.- №3, - С.29-37
9. Алимджанов Н.Н. Analysis of use of minerals the Namangan aref //Экономик и социум, ISSN 2225-1545, № 12 (67)-2019. - Б-24-26
10. Алимджанов Н.Н. Ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг экологик географик жихатлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2021. -№3/1/1 Табиий фанлар. Б-178-181
11. Алимджанов Н.Н. Қишлоқ хўжалик ерларидан такрорий фойланишнинг экологик жихатлари // Ўзбекистон экология хабарномаси. Тошкент, № 1 (225)-2020 Б-29-30
12. Алимджанов Н.Н. Фарғона водийсида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик хусусиятлари ва уларни оптималлаштириш // Республика илмий-амалий конференцияси. Наманган 2021 йил 16 апрел. –Б. 110-112
13. Алимджанов Н.Н.Агрокимёвий ифлосланишнинг олдини олишнинг ландшафт-экологик асослари // Ўзбекистон экология хабарномаси. Тошкент. 2021 йил февраль, № 2 (233) Б-21-23
14. Антипова А.В. Географическое изучение использования территории при выявлении и прогнозировании экологических проблем / А.В. Антипова // География и природные ресурсы. – 1994. – №3. – С. 26-32.
15. Антипова А.В. Современный ландшафт как объект экодиагностического исследования / А.В. Антипова // Проблемы региональной экологии. – 2013. – №2. – С. 22–29.
16. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. Монография -Т.: «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2014. -158 б
17. Аҳмадалиев Ю.И. Эршидан –Мархаматгача/ Монография –Фарғона: ФарДУ нашриёти,2024.-134б.
18. Аҳмадалиев Ю.И., Алимджанов Н.Н. Ҳудудларни барқарор ривожланишида ердан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти// Ўзбекистон география жамияти ахбороти. –Тошкент, № 56. 2019.- Б.51-56